

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ТАСАВВУФ АЛЛОМАЛАРИ ИЛМИЙ- МАЪРИФИЙ МЕРОСИНИ ТИКЛАШ БЎЙИЧА ОЛИБ БОРИЛГАН ИСЛОХОТЛАР

РЕФОРМЫ ПО ВОССТАНОВЛЕНИЮ НАУЧНО-ПРОСВЕТИТЕЛЬНОГО НАСЛЕДИЯ УЧЕНЫХ СУФИЗМА В ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ

REFORMS ON THE RESTORATION OF THE SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL HERITAGE OF SUFIS IN THE YEARS OF INDEPENDENCE

Tokhir A. KHATAMOV
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF
UZBEKISTAN,

Doctor of Philosophy PhD, docent of the Chair for
IRCICA

Islamic History and Source Studies.
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.
E-mail: t.xatamov@mail.ru

DOI: 10.47980/IIAU/2022/2/6

Аннотация: Мазкур мақолада Марказий Осиёдаги тасаввуф мактабларининг кўп асрлик илмий-маърифий меросини ўрганиш, тиклаш бўйича юртимиздаги олиб борилган ислохотлар жараёни тадқиқ этилган.

Мустақиллик йилларида олиб борилган ислохотларга ишбу мақолада урғу берилишининг асосий сабаби шундаки Ўзбекистон Республикаси XX аср сўнгги чорагида мустамлака занжирларидан холос бўлиб мустақилликка эришди. Тарихдан маълумки истиқлолга эришган давлатлар ўз тарихи, дини, тили, маданиятини қайта тиклашга асосий эътиборни қаратади. Миллий қадриятларимизнинг тизимли ва тадрижий тикланиши бўйича олиб борилаётган ислохотлар жараёнида миллий-ҳуқуқий негиз муҳим омил ҳисобланади. Шу жиҳатдан истиқлолнинг илк йилларида Президент ва ҳукумат томонидан чиқарилган фармон, қарор, фармойишларнинг илмий-тарихий ва ижтимоий-маънавий аҳамияти таҳлил қилинди. Қабул қилинган фармон ва қарорларда белгиланган устувор вазифалар ҳамда режа ва дастурларда бажарилиши зарур бўлган ишларнинг долзарблиги очиқ берилди.

Аммо аждодлар меросининг кўлами жуда катта бўлиб, уни қисқа вақтнинг мобайнида қайта тиклаш катта меҳнат ва масъулиятни талаб қилади. Шу билан биргаликда, диний соҳадаги ислохотларни амалга ошириш ҳам мураккаб жараён бўлиб, собиқ мустамлакачилик ва атеистик тузум давридаги катта террор ва мафкуравий

ёлгонлар халқ руҳиятида эврилишларга сабаб бўлган эди, бу муаммо ўз навбатида мустақилликнинг дастлабки йилларида жамиятда баъзи гоявий зиддиятларга ҳам сабаб бўлди, онг ва тафаккурдаги инқирозларни бартараф этиш бирмунча мураккаб ҳолат бўлганлиги сабабли, бу жараён ўзига хос “ўтиш даври”ни вужудга келтирди.

Аммо турли мураккабликларга қарамасдан ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилди, алломалар меросини қайта тиклаш ишлари тизимли равишда йўлга қўйилди. Бугунги кунга келиб тасаввуф алломалари меросини ўрганиш янги босқичга кўтарилиб, кўплаб илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Халқимиз ҳам алломалар илмий-маърифий меросидан баҳраманд бўлиб, илмий тадқиқот ва таълим муассасаларида турли лойиҳалар, мақолалар, монографиялар нашр этилиб кенг жамоатчиликка тақдим этилмоқда. Шу сабабли мазкур мақолада мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг янги босқичини алоҳида тадқиқ этишига ҳам эътибор қаратилди.

Таянч сўзлар: Ислохотлар, фармон, қарор, Илом, тасаввуф, алломалар, нақшбандийлик, тариқат, шайх, сўфийлик, илмий мактаб, илмий тадқиқот.

Аннотация: В данной статье рассматривается процесс проводимых в нашей стране реформ по изучению и восстановлению многовекового научно-просветительского наследия мистических школ Средней Азии.

Основной причиной акцента на реформы в данной статье, проведенных за годы независимости, является то, что Республика Узбекистан обрела свою независимость в последней четверти XX века стала свободной от колониальных цепей. Из истории известно, что государства, получившие независимость, уделяют большое внимание восстановлению своей истории, религии, языка и культуры. Национально-правовая база является важным фактором в процессе реформ, направленных на планомерное и постепенное восстановление наших национальных ценностей. В связи с этим проанализировано научно-историческое и общественно-духовное значение указов, постановлений и распоряжений, изданных Президентом и правительством в первые годы независимости. Выявлена приоритетность принятых указов и постановлений, а также актуальность предстоящей работы в перспективных планах и программах.

Но масштабы наследия предков настолько велики, что восстановление его в короткий срок требует большого труда и ответственности. В то же время осуществление религиозных реформ было сложным процессом, а большой террор и идеологическая ложь прежних колониальных и атеистических режимов привели к изменениям в менталитете народа, который в первые годы независимости усложнился и процесс создал свой «переходный период».

Однако, несмотря на различные трудности, были проведены правовые реформы, планомерно велась работа по восстановлению наследия ученых. Сегодня изучение

наследия ученых-мистиков вышло на новый уровень, проводятся много исследований.

Изучение научно-просветительского наследия ученых в научно-исследовательских и образовательных учреждениях, через выполненные проекты, публикуемые научные статьи, монографии дают возможность ознакомления широкой публике. Поэтому данная статья посвящена изучению нового этапа реформ, проводимые в нашей стране.

Ключевые слова: Реформы, указ, постановление, Ислам, суфизм, ученые, Нақшбанди, орден, шейх, суфизм, научная школа, научные исследования

Abstract: This article examines the process of reforms in our country to study and restore the centuries-old scientific and educational heritage of mystical schools in Central Asia.

In this article, the main reason for the emphasis on the reforms carried out during the years of independence is that the Republic of Uzbekistan gained its independence in the last quarter of the twentieth century. It is known from history that the states that have gained independence are usually focus on the restoration of their history, religion, language and culture. The national-legal basis is an important factor in the process of reforms aimed at the systematic and gradual restoration of our national values. In this regard, the scientific-historical and socio-spiritual significance of the decrees, resolutions and orders issued by the President and the government in the first years of independence were analyzed. The priority of the decrees and resolutions adopted, as well as the urgency of the work to be done in the plans and programs were revealed.

But the scale of the ancestral heritage is so great that restoring it in a short period of time requires great labor and responsibility. At the same time, the implementation of religious reforms was a complex process, and the great terror and ideological lies of the former colonial and atheistic regimes led to changes in the mentality of the people, which in the early years of independence crisis management has become more complex process that has created its own "transition period".

However, despite various difficulties, legal reforms have been carried out, and the work of restoring the heritage of scholars has been carried out systematically. Today, the study of the heritage of mystical scholars has reached a new level, and a lot of research is being done. Our people also enjoy the scientific and educational heritage of scientists, and various projects, articles, monographs are published in scientific research and educational institutions and presented to the general public. Therefore, this article focuses on a special study of the new phase of reforms in our country.

Key words: Reforms, decree, resolution, Islam, Sufism, Islamic scientists, Naqshbandiyyah, tariqa, sheikh, Sufism, scientific school, scientific research.

КИРИШ

Мустақилликнинг дастлабки йиллардан ҳукуматимиз томонидан тарихимизни тиклашга доир кўплаб ислохотлар амалга оширилди, хусусан

тасаввуф алломалари илмий-маърифий меросини қайта тиклаш учун зарур бўлган ҳуқуқий база шакллантирилди. Жумладан, 1992 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 28 октябрдаги “Баҳоуддин Нақшбандий таваллудининг 675 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳақида”ги 497-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори, 1992) бу соҳадаги дастлабки ижобий қадамлардан бири бўлди. Ушбу қарор асосида тасаввуф оламидаги Нақшбандия тариқатининг энг йирик вакили бўлган Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллик юбилейини нишонлаш, Бухоро вилояти ҳокимлиги, Дин ишлари бўйича қўмита, Мовароунаҳр Мусулмонлари идораси ва Ўзбекистон Фанлар Академияси тегишли ташкилотлар билан бирга 1993 йил сентябр ойида илмий анжуман ўтказиш, “Нақшбандия таълимоти ва унинг жаҳоншумул аҳамияти” мавзусида монографияни ҳамда Абдурахмон Жомийнинг “Нафохот ул-унс”, Али-Сафийнинг “Рашоҳат айн ул-ҳаёт” асарларидан Нақшбандия таълимотига оид маълумотларни таржима этиб, уларни илмий шарҳлар билан нашр этиш вазифаси қўйилди.

Бухоро вилояти ҳокимлигига Бухоро шаҳрида ва Хожа Баҳоуддин Нақшбанд таваллуд топган Қасри Орифон қишлоғида алломанинг номини қайта тиклаш учун тадбирларни ўтказиш вазифалари белгиланди.

Шунингдек, ушбу мажмуада қурилиш ва таъмирлаш ишларини олиб боришда алоҳида ўрнатилган кўрсаткичлари учун масъуллар ва усталарни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 27 сентябрдаги “Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуасида қурилиш ва таъмирлаш ишларини олиб боришда алоҳида ўрнатилган бир гуруҳ меҳнаткашларни тақдирлаш тўғрисида”ги ПФ-667-сон фармони (Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони, 1993) асосида Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари берилди. Жумладан,

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими” – Мовароунаҳр мусулмонлари идорасининг раиси Абдуллаев Мухтор.

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи” – Бухора шаҳри, маҳсус илмий таъмирлаш ишлаб чиқариш устахонасининг уста-таъмирловчиси Муҳаммедов Ғайбулло ва Бухора шаҳри, саноат корхоналари комбинатининг асфальтловчиси Ражабов Омон.

Фармон асосида яна ўн бир нафар масъуллар, усталар ва ходимлар Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофатланди.

УСЛУБЛАР

Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг Ислом оламидаги улкан мероси, комил инсонни тарбиялаш йўлида олиб борган сазй-ҳаракат ва изланишлари самараси кўплаб шарқ-мусулмон халқлари томонидан эътироф этилган. Шу жиҳатдан дунё мусулмонлари, тариқат мухлисари ва юртимиз фуқаролари томонидан Хожа Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳига ташриф буюрувчилар сонининг ортиб боришини инобатга олиб, Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказини ташкил этиш вазифаси мустақилликнинг илк йилларидан кун тартибига кўтарилди.

Бу масалада 2004 йил 27 майдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказини ташкил этиш тўғрисида”ги 244-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори, 2004) муҳим аҳамият касб этди.

Қарорда Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ва устозлари Абдуҳолик Гиждувоний ёдгорлик мажмуаларини талаб даражасида сақлаш, асраб-авайлаш ва янада ободонлаштириш, зиёратгоҳлар инфратузилмасини ривожлантириш вазифаси аниқ белгилаб кўйилди. Шунингдек, ушбу қадамжоларнинг мусулмон оламидаги нуфузини янада ошириш, маҳаллий ва хорижий зиёратчилар учун кенг кўламдаги зиёратларни уюштириш ва бу жараён учун барча зарурий шарт-шароитларни таъминлаш таъкидланди. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ва устозлари илмий-назарий мероси, ибратли ҳаёт йўлини ҳар томонлама ўрганиш, асарларида тарғиб этилган инсонпарварлик, ҳалоллик, поклик, маънавий баркамоллик каби қадриятларни халқимизга етказиш, диний-маърифий ишларни ташкил этишда, ёшларни меҳнатсеварлик, бунёдкорлик руҳида тарбиялашда алломаларнинг ҳаётбахш ўғитларидан самарали фойдаланишга доир тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ишлари муҳим вазифалар сифатида белгилаб берилди.

Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 февралдаги 87-сонли “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз аҳамиятини йўқотган айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ-6075-сон Фармони)”ги қарорига (Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори, 2021) асосан ўз кучини йўқотган деб топилган бўлсада, амалда бу қарор ўз вақтида ҳуқуқий асос сифатида Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ва устозлари Абдуҳолик Гиждувоний ёдгорлик мажмуаларини бутунга кунга қадар яхши ҳолатда сақланиб келишида муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 3 апрелдаги “Ал-Ҳаким Ат-Термизий хотирасига бағишланган миллий кураш бўйича II халқаро турнирни ташкил этиш тўғрисида”ги 112-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори, 1995) (бу қарор 2021 йил 22 февралда ўз кучини йўқотган (Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони, 2021) ёш авлодни миллий анъаналар ва қадриятларимиз асосида ҳар томонлама баркамол тарбиялашда ҳамда миллий курашнинг турларини ривожлантириш мақсадида Ал-Ҳаким Ат-Термизий хотирасига бағишлаб ҳар икки йилда бир маротаба миллий кураш бўйича халқаро турнир ўтказишни йўлга қўйилиш белгиланди. Мусобақа ғолибига Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус соврини таъсис этиш, халқаро турнир билан боғлиқ сарф-харажатлар Сурхондарё вилояти маҳаллий бюджетидан қопланиши белгиланди.

Шу ўринда Ал-Ҳаким Ат-Термизий хотирасига бағишлаб ўтказиладиган анъанавий халқаро турнирга оид қарорнинг 2021 йил 22 февралда ўз кучини йўқотган дея топилишини тўғри ёндошув дея ҳисоблаймиз. Бу ерда миллий курашимизга ҳеч қандай эътироз йўқ, аммо турнирнинг Ал-Ҳаким Ат-Термизий хотирасига бағишлаб ўтказилишига бир қатор мулоҳазаларимиз бор:

Биринчидан, Ал-Ҳаким ат-Термизий ислом динининг забардаст олимларидан бири бўлиб, ислом шариятига доир кўплаб асарларни бизга мерос қолдирган;

Иккинчидан, Ал-Ҳаким ат-Термизий ўз асарларида тасаввуфий билимлар ва унга оид ғоя ва назарияларни жуда теранлик билан мушоҳада этган мутасаввуф аллома ҳам ҳисобланади;

Учинчидан, Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг шоир Паҳлавон Маҳмуд сингари спортнинг кураш тури билан бевосита шуғулланиб ғолиб бўлганлиги ёки бу борада бирор китоб ёзгани ҳозирча маълум эмас;

Тўртинчидан, мустақилликнинг дастлабки йилларида алломалари- мизнинг номини қайта тиклаш ва халқимизга танитиш мақсадида турли давлат мукофотлари, мусобақа, фонд ва хайрия ташкилотларига уларнинг номи берилган, шу нуқтаи назардан ҳам Ал-Ҳаким ат-Термизий номини ушбу халқаро турнирга қўйилганлигини хулоса қилишимиз мумкин.

Бешинчидан, бу каби масалалар бўйича ҳукуматимизнинг янги ёндошуви ва соҳаларни ривожлантиришда бевосита ёки билвосита дахлдорлик жиҳатлари эътиборга олинган ҳолда олим ва уламоларимизнинг номидан фойдаланиши ижобий ҳолат сифатида баҳолашимиз мумкин.

НАТИЖАЛАР

2001 йил 13 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ислом дунёсининг Ўзбекистондаги ўлмас тарихий обидалари” фотоальбомини нашр этиш тўғрисида”ги 300-сонли қарорида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори, 2001) (ҳужжат 2021 йил 22 февралда ўз кучини йўқотган) Ислом дунёсининг Ўзбекистондаги тарихий обидалари тўғрисида фотоальбомини ўзбек, инглиз ва араб тилида нашр қилиш белгиланиб, альбомни тайёрлашда собиқ мустамлака даврида аёвсиз вайрон қилинган ислом оламида катта эҳтиромга эга бўлган тарихий-маданий обидаларимизни қайта тиклаш ва таъмирлаш, муборак зиёратгоҳларни обод этиш ҳамда ислом динидаги эзгулик, тинчлик, биродарлик, ҳамкорлик каби ғояларни халқимизга етказишга асосий эътибор қаратилди. Маълумки юртимиздаги зиёратгоҳларнинг бир қисми тасаввуф алломаларининг хонақолари, мақбаралари ва мажмуаларидан иборат, ушбу фотоальбомни нашр этишда тариқат мактабларига оид кўплаб тарихий обидаларнинг ҳам қамраб олиниши ижобий ҳолат сифатида айтишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 августдаги “Дин соҳасидаги маънавий-маърифий таълим ишларини ва фаолиятини янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида” 364-сон қарорининг 3-иловасига (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори, 2003) мувофиқ бир қатор тасаввуф алломалари зиёратгоҳлари Ўзбекистон мусулмонлари идорасига Маданий ёдгорликларни сақлаш ва улардан фойдаланиш инспекциялари билан тузилган “Фойдаланиш ва муҳофазалаш шартномалари” асосида Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфига фойдаланиш учун берилди. Жумладан,

1. “Ҳаким Термизий” зиёратгоҳи – Сурхондарё вилояти, Термиз тумани, Кўҳна Термиз қишлоғи

2. “Шайх Хованди Тохур” зиёратгоҳи – Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Шайхонтоҳур тор кўчаси.

3. “Сўфи Оллоёр” зиёратгоҳи – Сурхондарё вилояти, Олтинсой тумани, Катта Вахшивор қишлоғи.

4. “Зангиота” мажмуаси – Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Зангиота қишлоғи.

5. “Паҳлавон Маҳмуд” зиёратгоҳи – Хоразм вилояти, Хива шаҳри, Ичан қалъа мажмуаси

Тасаввуф соҳаси вакиллари зиёратгоҳларининг Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфига берилиши бу йўналишда олиб борилаётган ислохотларнинг яна бир босқичи дея таъкидлашимиз мумкин

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 декабрдаги “Абдухолик Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги 423-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори, 2003) (ҳужжат 2021 йил 22 февралда ўз кучини йўқотган) тасаввуф таълимотида Хожагон (Нақшбандия) таълимоти асосчиларидан Абдухолик Ғиждувоний таваллудига 900 йил тўлиши муносабати билан 2003 йил октябр ойида ЮНЕСКО халқаро ташкилоти иштирокида ўтказиш белгиланди. Ушбу қарорда алоҳида таъкидлашимиз зарур бўлган бир жиҳат, ЮНЕСКО Бош конференциясининг 31-сессияси томонидан Абдухолик Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллигини нишонлашда иштирок этиши ҳақидаги қароридир.

Шунингдек, қарорнинг 2-иловасига мувофиқ тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга оид тадбирлар режасида бир қатор ишларга эътибор қаратилган бўлиб, бунда Абдухолик Ғиждувоний мажмуасини қайта таъмирлаш, ободонлаштириш ва хиёбонини барпо этиш, “Абдухолик Ғиждувоний ва тасаввуф” мавзуида халқаро илмий-амалий анжуман ўтказиш, “Орифона суҳбатлар”, “Нақшбандий хикматлари” ва “Тасаввуф” мавзуида махсус телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар уюштириш, Абдухолик Ғиждувоний шогирдлари (Сўфи Чўян, Хўжа Лангар) зиёратгоҳларини таъмирлаш ва ободонлаштириш, аллома қаламига мансуб ҳамда унинг тўғрисида ёзилган араб ва форс тилларидаги асарлар рўйхатини тузиш, уларни ўзбек тилига таржима қилиб чоп этиш, яшаб фаолият кўрсатган давр тарихи ва маданиятини ўрганиш ҳамда бу давр тўғрисида янги илмий маълумотлар тўплаш мақсадида Ғиждувон ва Ғишти қўрғонларида археологик қазилма ишларини олиб боришга оид вазифалар ва уларнинг ижросини таъминловчи масъуллар алоҳида белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 мартдаги “Хожа Ахрор Валий таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги 143-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори, 2004) (ҳужжат 2021 йил 22 февралда ўз кучини йўқотган) Хожа Ахрор Валий асарларининг қўлёзмалари

манбаларини кенг, холисона талқин ва ёндошувлар асосида ўрганиш, алломанинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги замонавий тадқиқотларни тўплаш ва нашр этиш, Самарқанд шаҳрида “Хожа Аҳрор Валийнинг Марказий Осиё тарихи ва маънавиятида тутган ўрни” мавзуида республика илмий-амалий конференциясини ўтказиш, Маданият ишлари вазирлиги Самарқанд вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда Хожа Аҳрор Валийнинг Самарқанд туманидаги меъморий мажмуасини таъмирлаш ва унинг атрофини ободонлаштириш ишлари каби қатор вазифалар ушбу қарор асосида мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6165-сон фармони (Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони, 2021) мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 февралдаги “Ички ва зиёрат туризмни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 100-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори, 2021) (ҳозирги вақтда мазкур ҳужжатга ўзгартириш киритилмоқда) қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ тасаввуф алломалари зиёратгоҳларига ташриф буюрувчи маҳаллий ва хорижий туристлар учун шарт-шароитларни янада яхшилаш, ташкилий-ҳукукий ишларни такомиллаштириш ва имтиёзлар бериш кўзда тутилди. Жумладан, Бухоро вилояти “Етти пир” зиёратгоҳлари йўналишида таъмирталаб 36 км масофадаги ички йўللари таъмирлаш учун 90,5 млрд сўм маблағларни манбасини аниқлаб, кейинчалик маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш шарти билан ажратишни ва ички йўллари таъмирини 2021 йил 1 августига қадар тўлиқ яқунлаш вазифалари белгилаб берилди. Шунингдек, ички туризм йўналишида амалга оширилган саёҳат ҳаражаатларининг бир қисmini Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан қайтариш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Тасаввуф шайхлари илмий-маърифий мероси ва зиёратгоҳларини медиа маконда тарғибот ва ташвиқот қилиш мақсадида Бухоро вилоятидаги “Етти пир” мажмуаларидаги инфокиосларда жойлаштириш учун “Тариқатнинг етти пири” номли мультимедиа дастурини ишлаб чиқиш, хорижий тилларга таржима қилинадиган ва тарғиботи кенг амалга ошириладиган, алломалар ва зиёратгоҳлар тўғрисида фильмларни ишлаб чиқиш вазифалари белгиланди.

Жумладан, “Сузук ота” ҳужжатли фильми 2019 йил, ўзбек тилида, кейинчалик инглиз, турк, қозок,

рус, индонез тилларида тўлиқ фильм таржимаси ва эпизодлар олиб, роликлар тайёрлаш таъкидланди. Ушбу қарорнинг 5-иловасига мувофиқ тасаввуф алломаларига оид қуйидаги фильмларни ишлаб чиқиш ҳам кўрсатиб ўтилди:

1. “Нақшбандий” ҳужжатли фильм (2018 йил, ўзбек тилида) инглиз, турк, индонез, араб, урду, бенгал, форс, француз, рус, малай тилларида;
2. “Нажмиддин Кубро” ҳужжатли фильм (1995 йил, ўзбек тилида) араб, форс, инглиз, рус тилларида;
3. “Хўжа Аҳмад Яссавий” ҳужжатли фильм (2004 йил, ўзбек тилида) араб, форс, турк, урду, инглиз, рус тилларида;
4. “Паҳлавон Маҳмуд” ҳужжатли фильм (2019 йил, ўзбек тилида) инглиз, турк, индонез, араб, урду, бенгал, рус, форс, француз, малай тилларида;
5. “Паҳлавон Маҳмуд” бадиий фильм (ўзбек тилида) форс, урду, инглиз, рус, хинд тилларида;
6. “Амир Темур ва Аҳмад Яссавий мақбараси” ҳужжатли фильм (ўзбек тилида) турк, форс, инглиз, рус тилларида;
7. “Султон Увайс Қараний” ҳужжатли фильм (ўзбек тилида) инглиз, рус тилларида;
8. “Олтин Силсила” Нақшбандий пирлари ҳақида ҳужжатли фильм (ўзбек тилида) турк, инглиз, рус тилларида.

Фармон асосида Ўзбекистон Республикасининг зиёрат туризми салоҳиятини манзилли тарғиб қилиш чора-тадбирлари режаси ишлаб чиқилиб, ушбу режага мувофиқ тарғиб қилиниши керак бўлган мамлакатлар, тарғибот қилинадиган йўналишлар ва зиёрат туризми объектлари, маблағлар ва кутилаётган зиёратчи сайёҳлар сони белгилаб олинди. Юқорида тақдим этган маълумотларимизда зиёрат объектларининг бир қисми тасаввуф шайхларининг мақбара, хонақо ва мажмуаларига тегишли эканлигини таъкидлаб ўтганимиздек. Зиёрат туризми натижасида минтақамиздаги кўплаб тасаввуф алломаларининг номи қайта тикланиб, уларнинг қолдирган илмий-маърифий мероси ўрганилиши янги босқичга кўтарилмоқда.

Тасаввуф шайхларининг зиёрат объектларини тарғиб қилишда, уларнинг таълимотлари тарқалган минтақаларга тарғиб этиш устуворлик қилмоқда, чунки мусулмон шарқ халқлари аجدодларимиз меросидан хабардор бўлиб, тариқат мактабларининг асосчилари бўлган юртимизга зиёрат қилиш ҳоҳиши салмоқли ҳисобланади.

Масалан, Индонезия мамлакатада Нақшбандийлик таълимоти машҳур бўлиб, “Етти пир зиёратгоҳи”га бўлган қизиқиш жуда баланд ҳисобланади, шунингдек, бу юртга ислом динини тарқатишда катта хизмат қилган Валий Иброҳим

ас-Самарқандий номи билан боғлиқ бўлган “Тўққиз Валий ватанига саёҳат” лойиҳаси ҳам бу юрт вакилларида катта қизиқишга сабаб бўлиши мумкинлигини таъкидлашимиз мумкин.

Шунингдек, Малайзия, Ҳиндистон, Бангладеш, Покистон, Туркия, Миср, Россия каби давлатларда ҳам Нақшбандийлик пирлари зиёрат объектларига кўплаб зиёратчиларни жалб этиш имкониятларининг мавжудлиги бу йўналишларда ҳам амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар режасининг белгилаб берилишида асосий омил бўлди. Яссавийлик тариқати вакиллариининг юртимиздаги ҳонақо ва мақбаралари, жумладан, Тошкент шаҳри ва вилоятида жойлашган Сузук-ота ва Зангиота мақбараларини Туркия давлатидаги зиёратчилар учун тарғиб этилиши ҳам зиёрат туризми ривожига катта имкониятларни тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5416-сон Фармони (Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони, 2018) асосида диний – маърифий соҳадаги фаолият самарадорлигини янада ошириш мақсадида бир қатор ислохотлар белгиланди, хусусан фармонда тасаввуф йўналиши бўйича мутахассисларни тайёрлашга ҳам эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент Ислом университети ва Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ҳузуридаги Ўзбекистон ислом академияси негизида Ўзбекистон халқаро ислом академияси ташкил топди. Академия кундузги таълим шаклида, тўрт йиллик бакалавр босқичи асосида 5160100 – Исломшунослик (ақида ва тасаввуф) таълим йўналишига талабалар қабулини йўлга қўйди. Исломшунослик (ақида ва тасаввуф) йўналишига қабул қилинган талабаларга “Тасаввуфга кириш”, “Тасаввуф”, “Тасаввуфий тафсирилар” каби фанлар ўқитилиши йўлга қўйилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони (Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони, 2022) ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 14 январдаги “Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузурида Малака ошириш маркази фаолиятини ташкил этиш ҳамда қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 25-сонли Қарорида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори, 2019) белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда академия таркибида Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд,

Наманган, Сурхондарё вилоятлари минтақавий филиалларига эга бўлган Малака ошириш маркази ташкил этилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ва Бош имом-хатибларнинг касбий маҳоратини мунтазам ошириб бориш ҳамда турли соҳа вакиллари малакаларини ҳам ошириб боришда ижобий аҳамият касб этмоқда.

Жумладан, Малака ошириш марказида вилоят, шаҳар, туман бош имом-хатиблари учун 4 ҳафталик (144 соат) ва 2 ҳафталик (72 соат) ҳажмдаги ўқув курслари ташкил этилмоқда. Тингловчилар учун тасаввуф таълимотига оид “Тасаввуфда инсонпарварлик ғояларининг акс этиши”, “Руҳий тарбиянинг инсон камолотидаги ўрни”, “Руҳий тарбия: тасаввуфда нафс ва ахлоқ тарбияси” каби ўқув курслар жорий этилган бўлиб, бу ўз навбатида тингловчиларнинг тасаввуф таълимотига доир билимларини янада ошишига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси тизимида ҳам тасаввуф таълимотига оид илмларни тадқиқ этиш ва таълим жараёнини ташкил қилиш мақсадида 2017 йил 30 ноябрда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси буйруғига асосан Бухорада фаолият олиб бораётган Мир Араб олий мадрасаси ҳузурида “Тасаввуф илмий мактаби” ташкил этилди ҳамда 2018 йил 24 январдаги буйруғи билан “Тасаввуф илмий мактаби” тўғрисидаги низом тасдиқланди, бугунги кунда илмий мактаб ушбу низом асосида ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Нақшбандийлик вужудга келган Бухорои шарифда тасаввуф мактабининг очилиши ҳам рамзий аҳамиятга эга бўлиб, бу ҳудуддан етишиб чиққан авлиёларимиз тарихини, улар қолдирган илмий-маърифий меросни ўрганишнинг долзарблиги, ушбу илмий мактабнинг ташкил этилиши тўғри қарор бўлганлигини кўрсатади.

Тасаввуф илмий мактабида асосан қуйидаги йўналишларда таълим берилиши белгиланди:

Биринчи, дарсларда тасаввуф шайхлари, хусусан, Нақшбандия шайхларининг ҳаёт йўллари, турмуш тарзига бағишланган китоблардан таълим бериш.

Иккинчи, тариқат устозлари насиҳат сифатида айтган ҳикматли сўзлар шарҳланиши ҳамда руҳий тарбия оид китоблар ўқитилиши.

Учинчи, тингловчиларга араб, форс тилларидан сабоқ берилиши, тарихий манбаларни ўқиш жараёнида тил қоидалари тушунтирилиб, билим ва кўникмалари мунтазам равишда мустаҳкамлаб борилиши. Бунда тарихий қўлёзмаларни ўқиш энг муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади.

Тасаввуф мактабида 11 та тингловчи мавжуд бўлиб, улар диний маълумотга эга диний соҳа ходимлари ҳисобланади. Илмий мактаб томонидан таълим жараёни учун зарур бўлган ўқув режа ва ўқув дастурлари ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилиши белгиланди.

Тасаввуф илмий мактабида қуйидаги китоблардан дарслар ўтилади:

1. Абу Бакр Калободийнинг “Ат-Таарруф ли мазҳаби аҳли ат-тасавуф” китоби;
2. Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолийнинг “Кимёи саодат” китоби;
3. Хожа Аҳмад Яссавийнинг “Девони ҳикмат” китоби;
4. Сўфи Оллоҳёрнинг “Саботул ожизийн” китоби;
5. Жалолиддин Румийнинг “Маснавий-маънавий” китоби;
6. Имом Раббонийнинг “Мактубот” китоби.

Илмий мактаб тингловчиларига маълум бир асарни тамомлаганлиги (хатми кутуб қилганлиги) тўғрисида махсус сертификат (ижоза) берилади.

Мазкур илмий мактабда замонавий тасаввуфшунослик фани бўйича ҳам сабоқ берилиб, бунда тасаввуф бўйича XX-XXI асрларда амалга оширилган янги илмий тадқиқотлар, нашрлар, замонавий тариқатчилик ҳақида маълумотлар берилади. Жумладан, Ўзбекистонда етишиб чиққан, тасаввуф меросини ўрганиш бўйича ўз хиссаларини қўшган олимлар А.Қаюмов, О.Усмон, Н.Комилов, Ҳ.Ислохий, С.С.Бухорий, А.Р.Бухорий, Б.Бобожонов, Э.Каримов; Россиялик олимлар О.Акимов, Е.Бертельс, Н.Семёнов, А.Хисматуллин; Туркиялик олимлар Н.Тусун, М.А.Жўшон, Ҳ.К.Йилмаз; Ғарб шарқшунослари Ю.Пауль, Х.Алгар, Ж.Гросс, Ж.Тримингем, А.Кюгелген кабиларнинг илмий изланишлари бўйича маълумотлар ҳам тингловчилар учун тақдим этилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 июлдаги Ф-4998-сон “Абдуҳолик Ғиждувоний таваллудининг 915 йиллиги ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида”ги Фармойиши (Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони, 2017) ижросини таъминлаш юзасидан амалга ошириладиган маънавий-маърифий, илмий-амалий ва тарғибот тадбирларини ташкил этиш бўйича Бухоро вилоят ҳокими Ў.Барноев томонидан тасдиқланган “Йўл харитаси”га мувофиқ Тасаввуф илмий мактаби томонидан 2018 йилда ҳар ҳафтанинг пайшанба кунлари Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказида маҳаллий

ва хорижий зиёратчилар учун 30-35 дақиқалик “очик дарс” шаклидаги “Нақшбандхонлик” тадбирлари ўтказилиши йўлга қўйилди.

Тасаввуф илмий мактаби томонидан тасаввуфшунос олимлар Гулчеҳра Наврўзова, Зоиров Эркин, Ҳалим Тўраев, Бобир Намозов, Самад Азимов ва бошқа бир қатор мутахассислар билан биргаликда араб, форс ва немис тилларидаги китоблар ўзбек ва рус тилларига таржима ва шарҳлар қилиниб, нашрга тайёрланмоқда. Жумладан, Бухоро давлат университети ва Тасаввуф илмий мактаби томонидан “Бухорои шарифнинг етти пири” номли рисола, тасаввуфшунос олима Г.Наврўзова томонидан Ҳ.Юлдашходжаев масъул муҳаррирлигида “Баҳоуддин Нақшбанд” номли рисола ҳамда “Абдуҳолик Ғиждувоний” номли монография тайёрланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Тасаввуф илмий мактабига жуда кўплаб фуқаролар ҳам тингловчиликка қабул қилишларини сўраб мурожаат қилишганлиги халқимизнинг аجدодлар меросига йиллар давомида чанқоқ бўлганлигини англатади ва бу ҳолат тасаввуф соҳасида олиб борилаётган ислохотлар жараёнини янги босқичларга кўтарилиши учун қанчалик эҳтиёж борлигини ҳамда фуқароларимизнинг илм-маърифатга бўлган қизиқишлари юқорилигидан ҳам далолат беради.

ХУЛОСА

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, мустақилликнинг дастлабки йилларидаги тасаввуф таълимотининг илмий-маърифий меросини ўрганишга қаратилган қатор ислохотлар амалга оширилди жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларида, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларида, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг қарорлари ва буйруқларида тасаввуф таълимоти алломалари меросини қайта тиклаш, таваллуд айёмларини ўтказиш, асарларини таржима қилиш, хонақо ва мақбараларни таъмирлаш ҳамда турли илмий-маърифий конференция ва тадбирларни ўтказишга асосий эътибор қаратилди.

Ушбу фармон, фармойиш ва қарорлардаги яна бир жиҳат бу ёшларимизнинг ўз тарихидан фахрланиши ва келажак мақсадларни белгилашда аجدодлар меросидан руҳланиб катта марраларни интилишида ижобий аҳамият касб этиши ҳамда миллий тарихимизни қайта тиклаш каби жиҳатларга ҳам эътибор қаратилди.

ФОЙДАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори. (1992). “Баҳоуддин Нақшбандий таваллудининг 675 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳақида”ги 497-сон қарор. Тошкент: <https://lex.uz/docs/508432>
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори. (1995). Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 3 апрелдаги “Ал-Ҳаким Ат-Термизий хотирасига бағишланган миллий кураш бўйича II халқаро турнирни ташкил этиш тўғрисида”ги 112-сон қарор. Тошкент: <https://lex.uz/docs/1659823>
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори. (2001). Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 13 июлдаги “Ислом дунёсининг Ўзбекистондаги ўлмас тарихий обидалари” фотоальбомини нашр этиш тўғрисида”ги 300-сонли қарор. (ҳужжат 2021 йил 22 февралда ўз кучини йўқотган). Тошкент: <https://lex.uz/docs/1676>
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори. (2003). Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 августдаги “Дин соҳасидаги маънавий-маърифий таълим ишларини ва фаолиятини янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида” 364-сон қарорининг 3-илоvasи. Тошкент: <https://lex.uz/docs>
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори. (2003). Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 декабрдаги “Абдуҳолик Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги 423-сон қарор (ҳужжат 2021 йил 22 февралда ўз кучини йўқотган). Тошкент: <https://lex.uz/docs/1679238>
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори. (2004). Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 мартдаги “Ҳожа Аҳро Валий таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги 143-сон қарор (ҳужжат 2021 йил 22 февралда ўз кучини йўқотган). Тошкент: <https://lex.uz/docs/1688736>
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори. (2004). Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 27 майдаги “Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказини ташкил этиш тўғрисида”ги 244-сон қарор. Тошкент: <https://www.lex.uz/ru/docs/302377>
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори. (2019). “Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузурида Малака ошириш маркази ва “Зиё” медиа марказини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида. 25-сонли қарор. Тошкент: <https://lex.uz/uz/docs/4157634>
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори. (2021). Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 февралдаги 87-сонли “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз аҳамиятини йўқотган айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида. Тошкент: <https://lex.uz/ru/docs/5300195>
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори. (2021). Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 февралдаги “Ички ва зиёрат туризмни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 100-сон қарори (ҳозирги вақтда мазкур ҳужжатга ўзгартириш киритилмоқда) (Қонун ҳужжатлари маълумотлар. Тошкент: (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.02.2021 й., 09/21/100/0169-сон) <https://lex.uz/docs/5315060>
11. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони. (1993). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 27 сентябрдаги “Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуасида курилиш ва таъмирлаш ишларини олиб боришда алоҳида ўрнатилган бир гуруҳ меҳнаткашларни тақдирлаш тўғрисида”ги ПФ-667-сон фармон. Тошкент: <https://www.lex.uz/uz/docs/2381742>
12. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони. (2017). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 июлдаги Ф-4998-сон “Абдуҳолик Ғиждувоний таваллудининг 915 йиллиги ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида”ги фармойиш. Тошкент: <https://religions.uz/news/detail?id=517>
13. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони. (2018). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5416-сон фармон. Тошкент: <https://lex.uz/docs/3686277>
14. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони. (2021). “Ал-Ҳаким Ат-Термизий хотирасига бағишланган миллий кураш бўйича II халқаро турнирни ташкил этиш тўғрисида”ги 112-сон қарори 2021 йил 22 февралда ўз кучини йўқотган. Тошкент: <https://lex.uz/ru/docs/5300195>
15. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони. (2021). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6165-сон фармони. Тошкент: (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.02.2021 й., 06/21/616) <https://lex.uz/docs/5283956>
16. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони. (2022). “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. Тошкент: <https://lex.uz/docs/5841063>
17. Комилов Н. (1995). Тасаввуф тараққиётидаги янги йўналиш // Шайх Нажмиддин Кубро / Масъул муҳаррир Э.Юсупов. -Тошкент: Ёзувчи. –Б.27
18. Мухамедов Н. А. (2019). The role of the memorial complex of Sheikh Hovand Tahur in Islamic culture of

- the region. -The Light of Islam: Vol. 2019: Iss. 1, Article 3. -P.29-33. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/cgi/viewcontent.cgi?article=1026&context=iaau>.
19. Наврўзова Г., Зоиров Э (2022). Бухорои Шарифнинг Етти Пири // Монография / Масъул муҳаррир Ҳ.Йўлдошхўжаев. –Т.: “Lesson press” нашриёти. – Б.204.
 20. Наврўзова Г (2009). Баҳоуддин Накшбанд. Монография / Масъул муҳаррир: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори, профессор, М.Н.Болтаев. Бухоро фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2009. –Б.2-5.
 21. Nematullo Mukhamedov, Lazizakhon Alidjanova (2020). Personality of Khoja Akhror and his factor in the social-spiritual Life // ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal_ <https://www.indianjournals.com/ijor.aspx?target=ijor:aca&volume=10&issue=10&article=192>. Pages: 1242-1246. DOI : [10.5958/2249-7137.2020.01263.X](https://doi.org/10.5958/2249-7137.2020.01263.X)
 22. Khatamov T (2022). A study of the scientific and educational legacy of sufism in the years of independence. ISJ Theoretical & Applied Science(6(110), <http://www.t-science.org/arxivDOI/2022/06-110/06-110-2.html> Pages: 8-11. DOI : <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2022.06.110.2>
 23. Khatamov T (2022). Interpretation of perfect human in Nakshbandiya tariqah: approaches and analysis. ISJ Theoretical & Applied Science (6 (110), <http://www.t-science.org/arxivDOI/2022/06-110/06-110-3.html> Pages: 12-17. DOI: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2022.06.110.3>
 24. Раззоқов Ғ, Раҳимов К (2020). Хожагон-Накшбандия тариқати ва етти пир. Тошкент.: О‘zbekiston, 2020. Б.147.
 25. **Раҳматов И** (2019). “Халқ сўзи”. Т.: 2019. –Б. 1-2. “2019 йил 5-6 октябрь кунлари Термиз шаҳрида кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган XIV халқаро турнир” <https://xs.uz/uzkr/post/termizda-otkazilgan-khalqaro-kurash-musobaqasi-goliblari-zhami-100-ming-dollar-pul-mukofoti-bilan-taqdirlanishdi>
 26. **Uvatov U** (2005). **Ikki buyuk donishmand**. Монография. «Sharq» NMAK, Toshkent, 2005. – Б 5.
 27. Қаранг: “Абдуҳолик Ғиждувоний ва Тасаввуф” (2003). Халқаро илмий-амалий анжуман маърузалари тезислари. ЎзР ФА Ишлар бошқармасининг кичик босмаҳонаси: Тошкент 2003, Б. 3-48.
 28. Қаранг: “Хожа Ахрор таваллудининг 600 йиллиги” (2022). “Mustaqillik.uz” - Мустақил Ўзбекистон солномаси портали, Тошкент: 2022, <http://mustaqillik.uz/uz/events/view/150>
 29. Қаранг: “**Хожа Ахрор** Валийнинг **Марказий Осиё** тарихи ва маънавиятида тутган ўрни” (2004). Республика илмий-амалий **анжуман** маърузалари тезислари, Тошкент: 2004. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-ya/yaqub-charxiy-uz/>
 30. Ўзбекистон халқаро ислом академияси расмий сайти (2021). “Ўзбекистон халқаро ислом академияси

хузурида Малака ошириш маркази” - www.iaau.uz 2021 йил 28 январ. <https://www.iaau.uz/oz/news/98>

31. Ўзбекистон мусулмонлари идораси расмий сайти (2017). - www.muslim.uz – “Тасаввуф мактаби иш бошлади”. 2017 йил 13 ноябр. <http://www.muslim.uz/index.php/yangiliklar-2016/uzbekistan/i tem/3979>

REFERENCES

1. Decision of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan. (1992). Resolution No. 497 «On preparing and holding the 675th anniversary of the birth of Bahauddin Naqshbandi». Tashkent: <https://lex.uz/docs/508432>.
2. Decision of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan. (1995). Resolution No. 112 of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated April 3, 1995 “On the organization of the II international tournament on national wrestling dedicated to the memory of Al-Hakim At-Tirmizi”. Tashkent: <https://lex.uz/docs/1659823>.
3. Decision of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan. (2001). Resolution No. 300 of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated July 13, 2001 “On the publication of the photo album “Immortal historical monuments of the Islamic world in Uzbekistan”. (the document expired on February 22, 2021). Tashkent: <https://lex.uz/docs/1676>.
4. Decision of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan. (2003). Annex 3 of the decision of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated August 22, 2003 No. 364 “On the provision of social support and benefits for the further improvement of spiritual and educational work and activities in the field of religion”. Tashkent: <https://lex.uz/docs>.
5. Decision of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan. (2003). Resolution No. 423 of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated December 4, 2003 “On the celebration of the 900th anniversary of the birth of Abdukholiq Gijduvani” (the document expired on February 22, 2021). Tashkent: <https://lex.uz/docs/1679238>.
6. Decision of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan. (2004). Resolution No. 143 of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated March 25, 2004 “On celebrating the 600th anniversary of the birth of Khoja Akhror Vali” (the document expired on February 22, 2021). Tashkent: <https://lex.uz/docs/1688736>.
7. Decision of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan. (2004). Resolution No. 244 of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated May 27, 2004 “On the establishment of the Bahauddin Naqshband Memorial Complex Center”. Tashkent: <https://www.lex.uz/ru/docs/302377>.
8. Decision of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan. (2019). “About the establishment of the Qualification Center and the “Ziya” media center at the International Islamic Academy of Uzbekistan and measures to support their activities. No. 25 Tashkent: <https://lex.uz/uz/docs/4157634>.

9. Decision of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan. (2021). No. 87 of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated February 22, 2021 "On considering certain decisions of the Government of the Republic of Uzbekistan that have lost their significance as having lost their validity" <https://lex.uz/ru/docs/5300195>.
10. Decision of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan. (2021). Resolution No. 100 of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated February 24, 2021 "On additional measures for the development of domestic and pilgrimage tourism" (amendments are currently being made to this document) (Legislative documents. Tashkent: (National database of legal documents, 25.02.2021 y., 09/21/100/0169-сон) <https://lex.uz/docs/5315060>).
11. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan. (1993). Decree No. PF-667 of the President of the Republic of Uzbekistan dated September 27, 1993 "On awarding a group of workers who set a special example in carrying out construction and repair work at the Bahauddin Naqshband memorial complex." Tashkent: <https://www.lex.uz/uz/docs/2381742>.
12. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan. (2017). Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated July 11, 2017 No. F-4998 "On preparing and holding the celebration of the 915th anniversary of the birth of Abdukholiq Ghijduvani and the 700th anniversary of the birth of Bahauddin Naqshband". Tashkent: <https://religions.uz/news/detail?id=517>.
13. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan. (2018). Decree No. PF-5416 of the President of the Republic of Uzbekistan dated April 16, 2018 "On measures to radically improve the activities of the religious and educational sphere". Tashkent: <https://lex.uz/docs/3686277>.
14. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan. (2021). Decision No. 112 "On organizing the II international tournament on national wrestling dedicated to the memory of Al-Hakim At-Tirmizi" expired on February 22, 2021. Tashkent: <https://lex.uz/ru/docs/5300195>.
15. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan. (2021). Decree No. PF-6165 of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 9, 2021 "On measures to further develop domestic and pilgrimage tourism in the Republic of Uzbekistan". Tashkent: (National database of legal documents, 10.02.2021, 06/21/616). <https://lex.uz/docs/5283956>
16. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan. (2022). Decree No. PF-60 "On the development strategy of New Uzbekistan for 2022-2026". Tashkent: <https://lex.uz/docs/5841063>.
17. Komilov N. (1995). Tasavvuf taraqqiyotidagi yangi yo'nalish // Shayx Najmiddin Kubro / Mas'ul muharrir E.Yusupov. -Toshkent: Yozuvchi. -B.27.
18. Мухамедов Н. А. (2019). THE ROLE OF THE MEMORIAL COMPLEX OF SHEIKH HOVAND TAHUR IN ISLAMIC CULTURE OF THE REGION. -The Light of Islam: Vol. 2019: Iss. 1, Article 3. -P.29-33. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/cgi/viewcontent.cgi?article=1026&context=iiia>.
19. Navro'zova G., Zoirov E (2022). Buxoroi Sharifning Etti Piri // Monografiya / Mas'ul muharrir Yo'ldoshxo'jaev. -T.: "Lesson press" nashriyoti. - B.204.
20. Navro'zova G (2009). Bahouddin Naqshband. Monografiya / Mas'ul muparrir: O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan fan arbobi, falsafa fanlari doktori, professor M.N.Boltaev. Buxoro falsafa va huquq instituti nashriyoti, 2009. -B.2-5.
21. Nematullo Mukhamedov, Lazizakhon Alidjanova (2020). Personality of Khoja Akhror and his factor in the social-spiritual Life // ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal <https://www.indianjournals.com/ijor.aspx?target=ijor:aca&volume=10&issue=10&article=192>. Pages: 1242-1246. DOI : [10.5958/2249-7137.2020.01263.X](https://doi.org/10.5958/2249-7137.2020.01263.X)
22. Khatamov T (2022). A study of the scientific and educational legacy of sufism in the years of independence. ISJ Theoretical & Applied Science(6(110), 8-11. doi:<https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2022.06.110.2>
23. Khatamov T (2022). Interpretation of perfect human in Nakshbandiya tariqah: approaches and analysis. ISJ Theoretical & Applied Science(6 (110), 12-17. doi:<https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2022.06.110.3>
24. Razzoqov G., Rahimov K (2020). Xojagon-Naqshbandiya tariqati va etti pir. Toshkent.: O'zbekiston, 2020. B.147.
25. Rahmatov I (2019). "Xalq so'zi". T.: 2019. -B. 1-2. "2019 yil 5-6 oktyabr kunlari Termiz shahrida kurash bo'yicha O'zbekiston Respublikasi Prezidenti sovrini uchun al-Hakim at-Termiziy xotirasiga bag'ishlangan XIV xalqaro turnir" <https://xs.uz/uzkr/post/termizda-otkazilgan-khalqaro-kurash-musobaqasi-goliblari-zhami-100-ming-dollar-pul-mukofoti-bilan-taqdirlanishdi>
26. Uvatov U (2005). Ikki buyuk donishmand. Monografiya. «Sharq» NMAK, Toshkent, 2005. - B 5.
27. "Abduxoliq G'ijduvoni va Tasavvuf" (2003). Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman ma'ruzalari tezislari. O'zR FA Ishlar boshqarmasining kichik bosmaxonasi: Toshkent 2003, B. 3-48.
28. "Xoja Ahror tavalludining 600 yilligi" (2022). "Mustaqillik.uz" - Mustaqil O'zbekiston solnomasi portali, Toshkent: 2022, <http://mustaqillik.uz/uz/events/view/150>
29. "Xoja Ahror Valiyning Markaziy Osiyo tarixi va ma'naviyatida tutgan o'rni" (2004). Respublika ilmiy-amaliy anjuman ma'ruzalari tezislari, Toshkent: 2004. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-yaG'yaqub-charxiy-uz/>
30. O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi rasmiy sayti (2021). "O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi huzurida Malaka oshirish markazi" - www.iiia.uz/ <http://www.iiia.uz/> 2021 yil 28 yanvar. <https://www.iiia.uz/oz/news/98>
31. O'zbekiston musulmonlari idorasi rasmiy sayti (2017). - <http://www.muslim.uz/> - "Tasavvuf maktabi ish boshladi". 2017 yil 13 noyabr. <http://www.muslim.uz/index.php/yangiliklar-2016/Uzbekistan/tem/3979>